

**РЕСПУБЛИКА ИММУНОЛОГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИ ВА
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.50.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ВИРУСОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

ЖЎРАЕВ РИВОЖИДДИН ХОФУЗУЛЛАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА РОТАВИРУСЛАРНИНГ МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК
ТАВСИФИ ВА УЛАРНИНГ ДИАРЕЯЛИ КАСАЛЛИКЛАРДА
КЛИНИК-ЭПИДЕМИОЛОГИК АҲАМИЯТИ**

03.00.04 - Микробиология ва вирусология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Жўраев Ривожиддин Хофузуллаевич Ўзбекистонда ротавирусларнинг молекуляр-генетик тавсифи ва уларнинг диареяли касалликларда клиник-эпидемиологик аҳамияти....	5
Жураев Ривожиддин Хофузуллаевич Молекулярно-генетическая характеристика ротавирусов и их клинико- эпидемиологическая значимость при диарейных заболеваниях в Узбекистане.....	31
Juraev Rivojiddin Hofuzullaevich Molecular genetic characteristics of rotavirus and their clinical and epidemiological significance in the diarrheal diseases in Uzbekistan.....	59
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	63

**РЕСПУБЛИКА ИММУНОЛОГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИ ВА
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.50.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ВИРУСОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

ЖЎРАЕВ РИВОЖИДДИН ХОФУЗУЛЛАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА РОТАВИРУСЛАРНИНГ МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК
ТАВСИФИ ВА УЛАРНИНГ ДИАРЕЯЛИ КАСАЛЛИКЛАРДА
КЛИНИК-ЭПИДЕМИОЛОГИК АҲАМИЯТИ**

03.00.04 - Микробиология ва вирусология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib19 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Вирусология илмий текшириш институтида бажарилган
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immunology.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий
маслаҳатчи:**

Мусабаев Эркин Исакович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий
оппонентлар:**

Михайлов Михаил Иванович
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия)

Нуралиев Некқадам Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мирзаева Мамлакат Айнакуловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи
ташкilot:**

ФБФБ Россия истеъмолчилар назорати марказий
эпидемиология илмий текшириш институти
(Москва)

Диссертация ҳимояси Республика иммунология илмий маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: immunologiya@qir.ru).

Диссертация билан Республика иммунология илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55).

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т. У. Арипова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

З. С. Камалов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Т.Р. Хегай
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д.

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ошқозон-ичак йўлларининг вирусли касалликлари, айниқса ротавирусли диареялар бугунги кунда дунё миқёсида тиббий-ижтимоий муаммо бўлиб, касалланиш даражаси юқори кўрсаткичларда сақланиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ротавирусли диареялар асосан эрта ёшдаги болаларда учраб, ошқозон-ичак йўлларининг ўткир яллиғланиши ва организмнинг сувсизланиши билан кечадиган оғир асоратларга, ҳаттоки ўлимга олиб келиши мумкин. Рўйхатга олинаётган жами ўткир ичак инфекциялари этиологиясининг 30-50 фоизини ротавирусли диареялар ташкил қилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадли кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилиб, бу борада аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш бўйича салмоқли натижалар олинди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида, жумладан эрта ёшли болаларни ротавирусли диареяларга қарши вакцинациялаш Миллий эмлашлар календар режасига киритилди. Шулар билан бир қаторда соғлиқни сақлаш тизимида бир қатор муаммолар мавжуд эди. Улар орасида ротавирусли диареяларнинг клиник-эпидемиологик ҳолатларини аниқлаш, даволаш ва олдини олиш ҳам муҳимдир. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналишлари Стратегиясида «оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматга эришишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада амалга ошириш» белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва ўткир ичак инфекциялари касалликлари кўпайишининг олдини олиш, айниқса кичик ёшдаги болаларда кузатиладиган асоратларни камайтириш алоҳида аҳамият касб қилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, жаҳон миқёсида, ўткир ичак касалликлари, жумладан кичик ёшдаги болалар орасида ротавирусли диареяларнинг учраши, клиник жиҳатдан оғир даражада кечиши ва беморлар ҳаёт сифатини пасайиши муҳим тиббий ва ижтимоий муаммолардан бирига айланди. РВИ касаллиги спорадик ва маҳаллий гуруҳлар ҳамда оммавий тарзда, айниқса ёш болаларда намоён бўлиши, ушбу касалликка қарши махсус давонинг йўқлиги, ротавируслар турли штаммларининг тарқалишига сабаб бўлмоқда бу эса муаммонинг долзарблигини белгилайди. Республикаимизда қайд қилинаётган ротавирусларнинг эпидемиологияси, молекуляр-генетик тавсифи, клиник кечиши, ташҳиси, профилактикаси бўйича маълумотлар камлиги ушбу касалликни илмий жиҳатдан ўрганишга асос бўлади. Ротавирусли диареяларга эрта ташҳис қўйиш, замонавий вирусологик усулларни амалиётга тадбиқ қилиш, олиб борилаётган профилактика ва эпидемияга қарши кураш чора-тадбирларни такомиллаштириш, шу мақсадда универсал вакциналар яратиш,

мавжуд вакциналарни қўллаш ва мониторинг ўтказиш учун худудларда тарқалган ротавируслар G[P] типларининг антиген таркибини аниқлаш илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги 1652-сон Қарори билан тасдиқланган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги 91-сон қарори «Тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш ва моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон Қарори билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар Стратегияси» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Ротавирусларнинг молекуляр-генетик тавсифи ва уларнинг диареяли касалликларда клиник-эпидемиологик аҳамиятини аниқлашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан National Center for Immunizations and Respiratory Disease (АҚШ), Gastroenteritis and Respiratory Viruses Laboratory Branch (АҚШ), Centers for Disease Control and Prevention (АҚШ), Institute of Nutrition (Пеку), Institut Curie and Institut National de la Sante at de la Recherche Medicale (Франция), Department of Medical Microbiology and University of Liverpool (Буюк Британия), GlaxoSmithCline Biologicals (Бельгия), Initiative for Vaccine Research (Швейцария), Regional Office for the Eastern Mediterranean (Миср), Virology Laboratory, National Institute of Hygiene (Мароқаш), The European Rotavirus Network (EuroRotaNet), Пастер номидаги Санкт-Петербург эпидемиология ва микробиология илмий тадқиқот институти (Россия Федерацияси) ва Вирусология илмий текшириш институтида (Ўзбекистон Республикаси) олиб борилмоқда.

Жаҳонда ротавирусли диареяларни даволаш ва олдини олишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар юзасидан қатор илмий натижалар олинган: инсонларда ротавирусларнинг А гуруҳи касаллик келтириб чиқариши аниқланган (Pan American Health Organizaton, Gastroenteritis and Respiratory Viruses Laboratory Branch, Centers for Disease Control and Prevention, АҚШ); вирусларнинг ташқи VP4 капсиди (Р серотип) ва VP7 капсиди (G серотип) оксиллари уларнинг асосий антигенлари эканлиги аниқланган (Rollins School of Public Health, Department of Medical Microbiology and University of Liverpool, Буюк Британия); аниқланган ротавирусларнинг турли штаммларига

қўлланилган вакциналар самарадорлигини баҳолаш бўйича ижобий натижалар олинган (GlaxoSmithCline Biologicals, Бельгия; Initiative for Vaccine Research, Швейцария; Regional Office for the Eastern Mediterranean, Миср); Ротавируслар янги штаммларини аниқлаш методологиясида янги праймерлар яратиш такомиллаштирилмоқда (Virology Laboratory, National Institute of Hygiene, Марокаш; Pan American Health Organization, АҚШ).

Бугунги кунда ротавирусларнинг молекуляр-генетик тавсифи ва уларнинг диареяли касалликларда клиник-эпидемиологик ахамиятини аниқлаш, профилактика самарадорлигини ошириш бўйича жаҳон миқёсида қатор, жумладан қуйидаги йўналишларда устувор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда: қўлланилаётган эмлаш амалиётини барча мамлакатларга тадбиқ қилиш; ротавируслар молекуляр-генетик полиморфизмини аниқлаш; турли вакциналар билан эмлангандан кейинги эпидемиологик вазиятни аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳар йили 100 млн.дан ортиқ 5 ёшгача бўлган болалар ўртасида ротавирусли гастроэнтеритлар рўйхатга олинади. Шундан 2 млн. нафари шифохоналарга ётқизилади ва 600 минг ҳолатда ўлимга сабаб бўлади (Parashar U. D. et al., 2006). Европа давлатларида кенг кўламдаги эпидемиологик текширишлар натижасида ротавирусли гастроэнтеритнинг тасдиқланган битта ҳолати бўйича ўртача ҳаражатлари ҳисобланган: бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишга 166-473 евро; фавқулодда ҳолатларга - 334-770 евро; шифохонага - 1525-2101 евро сарф этилган (Giaquinto C. et al., 2007).

Ҳозирги кунда ротавирусли гастроэнтеритлар патогенези етарли даражада ўрганилган, бунда ротавируслар ингичка ичакнинг шиллик қавати хужайраларига таъсири натижасида ўткир ич кетиши билан кузатиладиган эксикоз-токсикоз белгилари юзага келади (Fischer T.K. et al., 2007, Васильев Б.Я. и др. 2000). Ушбу касаллик эпидемиологиясида вирус ташувчилар ва бемор одам касаллик манбаи бўлиб хизмат қилади. Ротавируслар одамга - фекал-орал йўли, шунингдек сув ва озиқ-овқат орқали юқиши исботланган (Estes M.K. et al., 2001. Сергевнин В.И. и др., 2004). Дунё бўйича ротавирусларнинг турли штаммлари тарқалганлиги ва уларнинг молекуляр-генетик хусусиятлари илмий-тадқиқотлар натижасида ўрганилган (Gladstone V.P. et al. 2008, Жираковская Е.В. и др., 2007). Махсус профилактик тадбирлардан ротавирусларга қарши эмлаш болалар орасида диарея касалликларини ҳамда у келтириб чиқарадиган асоратларни камайтиради (Учайкин В.Ф. и др., 2001. Ющук Н.Д. и др., 2006., Podewils L.J. et al., 2005).

Ўзбекистон шароитида ёз фаслида ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши, куруқлиги, турли инфекцияларнинг фекал-орал юқиш йўли учун етарли шароит мавжудлиги ва аҳолининг кўп қисмини ёш болалар ташкил қилиши ҳамда улар орасида ўзаро мулоқотнинг юқорилиги ўткир ичак инфекциялари ривожланиши учун қулай шароит яратилиши, шифохоналарга мурожаат қиладиган беморлар сонининг ортишига сабаб бўлади (Асилова М.У. ва муал., 2014, Мадреимов А. 2009). Ўткир ичак инфекциялари болалар иммун

тизимининг, ичак шиллик қавати миробиоценозининг ўзгаришига ҳамда организм учун зарур микроэлементлар ва витаминларнинг камайишига олиб келади. Бактериал инфекциялар эпидемиологияси, клиник кечиши, ташхисоти, даволаш усуллари ва профилактикаси илмий тадқиқотлар орқали етарли ёритилган (Ибадова Г.А. ва муал., 2013).

Ўзбекистон Республикасида ротавирус инфекцияси муаммоси етарлича ёритилмаган. Болалар ва катталарда РВИнинг эпидемиологияси, клиник кечиш характери ва экологик жиҳатлари бўйича бир қанча маълумотлар мавжуд (Асилова М.У. ва муал., 2013, 2014, Ибадова Г.А. ва муал., 2013, 2014, Исмоилов У., 2011, Норбаев И., 2012 ва муал.). Бироқ улар умумлаштирилмаганлиги ротавируслар ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилмайди. Ротавируслар молекуляр-генетик тавсифи бўйича маълумотлар йўқ. Шу сабабли ўткир диареяларнинг нотўғри даволанишига, беморларнинг шифохоналарда узоқ қолиб кетишига, оғир асоратларга ва ўлимга олиб келиши мумкин. Шунинг учун Ўзбекистон республикасида ротавирусли инфекцияларнинг тарқалганлигини, уларнинг молекуляр-генетик ва клиник хусусиятларини, кўп учрайдиган гено- ва серотипларини аниқлаш (ротавирусга қарши эмлаш вакциналарнинг турини танлаш учун) муаммоси долзарб ва амалий жиҳатдан жуда муҳим ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Вирусология илмий текшириш институти ҳамда Эпидемиология, микробиология ва юкумли касалликлар илмий текшириш институти режаларига мувофиқ УИТМ 3224-сонли халқаро лойиҳа «Республиканинг турли ҳудудларида диарея касалликлари қўзғатувчиларининг биологик ва микробиологик хусусиятлари таҳлили: назоратни такомиллаштириш» (2004-2007 йй.); Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Норвегия жамоат соғлиғини сақлаш институти ўртасида имзоланган меморандум «Назоратдаги аҳоли болаларини гастроэнтерит туфайли тиббий ёрдам учун мурожат қилгани ва уларни ротавирусли гастроэнтерит билан касалхонага ётқизилганлигини баҳолаш таянч протоколлари» (2004-2005 йй.) ва «Ўзбекистонда шифохоналар ичида ротавируслар билан касалланишни фаол назорат қилиш» (2005-2009 йй.) мавзусидаги лойиҳалари асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбекистонда учрайдиган ротавирусларнинг молекуляр-генетик хусусиятларини аниқлаш ва уларнинг диареяли касалликларда клиник-эпидемиологик аҳамиятини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

республикада ўткир диареяли касалликлар этиологияси ва касалланиш даражасида ротавирус инфекциясининг ўрнини баҳолаш;

турли ҳудудларда РВИнинг эпидемиологик жиҳатлари ва турли ёшларда унинг тарқалиш хусусиятларини аниқлаш;

ротавирусларни гено- ва серотипларини тавсифлаш ва ўткир диареяли беморларда ротавируслар алоҳида генотипларининг учрашини аниқлаш;

ротавирусларнинг турли генотиплари кўзгатадиган ўткир диареяли касалликларнинг клиник тавсифи ва кечиш хусусиятлари аниқлаш;

диареяли касалликлар сабаб бўладиган иқтисодий зарарни баҳолаш ва РВИга қарши вакцинациянинг самарадорлигини асослаш;

ротавирусли диареяларнинг дифференциал ташҳис алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида ўткир диареяли 17966 нафар бемор болалар ҳамда 1993-2010 йиллардаги республикада ЎИИ касаллиги этиологик структурасининг эпидемиологик таҳлили олинди.

Тадқиқотнинг предмети болалар нажаси ротавирусларни иммунофермент ва молекуляр-генетик таҳлиллар, вена қони клиник-биохимик таҳлиллар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Скрининг, умумклиник, бактериологик, иммунофермент, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон худудида ротавирус инфекциясининг хусусиятлари ва клиник кечиши аниқланган;

очиқ сув хавзалари ва водопровод тармоқларидаги сув ифлосланишининг умумий ЎИИ ва РВИ билан касалланиш даражаси билан боғлиқлиги аниқланган;

илк бор республикада тарқалган ротавируслар генотиплари типлаштирилган ва молекуляр-генетик хусусиятлари аниқланган;

илк бор сиквенс усулида ротавируслар VP4 ва VP7 оксилларида нуклеотидлар кетма-кетлиги аниқланган;

ротавирус инфекцияси клиник кечиши вирус генотипларига боғлиқлиги аниқланган;

илк бор ротавирусга қарши эмлашнинг иқтисодий самарадорлиги баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўткир диареяли 5 ёшгача бўлган болаларда ротавирусларни ўз вақтида аниқлаш регидратация ва дезинтоксикация муолажаларини олиб бориш, фақат кўрсатма асосида антибактериал препаратлар қўллаш ҳамда оғир асоратларни олдини олиш имконини яратган;

эрта ёшдаги (0-24 ойлик) болаларда РВИ оғир кечишини олдини олиш мақсадида эмлаш ўтказиш чора-тадбирлари зарурлиги асосланган;

РВИ ни ташҳислаш ва даволаш тактикаси алгоритми яратилганлиги уларнинг шифохонагача бўлган даврда эрта ташҳислаш ва ўткир диареяли беморларни даволашни оптималлаштириш имконини берган;

РВИ келтирадиган иқтисодий зарар ҳисобланган ва унга қарши эмлашнинг самарадорлиги исботланган;

ротавирус генотиплари аниқланган ва уларнинг дунё миқёсидаги вакцина штаммларига ўхшашлиги РВИга қарши маълум вакциналарни қўллаш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ротавирусли гастроэнтеритларнинг молекуляр-генетик тавсифи ва уларнинг диареяли касалликларда клиник-эпидемиологик аҳамиятини аниқлаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган. Молекуляр-генетик тадқиқотлар республикада тарқалган ротавирус штамmlарининг жаҳон миқёсида молекуляр эпидемиологик ўрнини кўрсатган.

Илмий ишнинг амалий аҳамияти Ўзбекистонда ротавирус инфекциясининг клиник кечиши қатор хусусиятларига кўра бактериал диареялардан фарқ қилиши аниқланган, бу РВИга шифохонага қадар ташхислаш ва даволашнинг оптимал вариантыни танлашга замин яратган. Ротавирусли диарея беморларини эмлаш тадбирлари ўлим ҳолатлари ва потенциал ҳаётнинг йўқотилган йиллари кўрсаткичини камайтирган. Республикада Миллий эмлашлар календар режасига болалар ҳаётининг дастлабки 2-3 ойлигидан ротавирус инфекциясига қарши эмлашнинг киритилиши превентив тадбир бўлиб, РВИдан кўриладиган иқтисодий зарар ва хавфни камайтирган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда ротавирусларнинг молекуляр-генетик тавсифи ва уларнинг диареяли касалликларда клиник-эпидемиологик аҳамияти бўйича олинган натижалар асосида:

ротавирусларнинг этиологияси, эпидемиологияси, ташхиси, клиникаси, даволаш ва профилактикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Ротавирусли инфекция: этиологияси, эпидемиологияси, ташхиси, клиникаси, даволаш ва профилактикаси» мавзусидаги услубий қўлланмаси ҳамда «Ўткир диареяларнинг этиологияси ва эпидемиологияси» ва «Ўткир диареяли касалларни ташхислаш ва даволаш» мавзусидаги услубий кўрсатмалари тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 19 мартдаги 8Н-д/22 маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ва кўрсатмалар ротавирусли диареяларни эрта ташхислаш, клиник кечишини аниқлаш, молекуляр-генетик ташхислаш асосида вакцинациялаш учун зарур бўлган вакциналарни қўллаш имкониятини яратди;

РВИ ни ташхислаш ва даволаш тактикаси алгоритми, уларнинг шифохонагача бўлган даврда эрта ташхислаш ва ўткир диареяли беморларни даволашни оптималлаштириш чора-тадбирлари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан Тошкент врачлар

малакасини ошириш институти юқумли касалликлар ва вирусология кафедрасига, Республика санитария эпидемиология нazorати маркази вирусология лабораториясига, Тошкент шаҳар 4-болалар юқумли касалликлар шифохонаси, Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонаси амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 19 мартдаги 8Н-д/22 маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар бирламчи бўғин шифокорлари томонидан вирусли диареяларни эрта ташхислаш ва даволашни оптималлаштиришда кенг фойдаланилмоқда. Олинган натижалар асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 21 сентябрдаги 420-сонли “Ўзбекистон Республикасида ротавирус инфекцияси устидан эпидемиологик назорат ўрнатиш тизимини ташкил этиш тўғрисида” ва 2007 йил 29 декабрдаги 595-сонли “Республикада ўткир диареяли касалликлар профилактикасини такомиллаштириш тўғрисида” буйруқлари чиқарилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар 10 мақола, жумладан 5 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 185 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ротавирусларнинг эпидемиологияси, клиник кечиши, ташхиси, профилактикаси ва молекуляр-генетик тавсифининг замонавий таҳлили**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи ёзилган бўлиб, у 3 та кичик боблардан иборат. Унда ЎИИ бўйича замонавий маълумотлар, жумладан ўткир диареялар структурасида ротавирусларнинг ўрни ва роли ҳамда ротавирусли диареяларга ташхис қўйиш усуллари

келтирилган. Ротавирусларнинг тузилиши ва уларнинг молекуляр-генетик тавсифига алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертациянинг «**Ретроспектив ва проспектив тадқиқотлар тавсифи ва қўлланилган усуллар**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг материал ва услублари баён қилинган. Қўйилган мақсадга эришиш ва вазифаларни бажариш мақсадида ретроспектив ва проспектив текширишлар ўтказилди.

Ретроспектив текшириш: Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида ва умуман бутун республикада 1993-2010 йилларда ЎИИ билан касалланиш ва уларнинг этиологик структураси бўйича махсус статистика маълумотларининг эпидемиологик таҳлили; Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида ЎД билан касалланган катталар ва 0 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар фекалияларини ЎИИнинг этиологик структурасини аниқлаш бўйича текшириш натижаларининг таҳлили; Ўзбекистоннинг турли ҳудудлари (Тошкент ш., Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси)да ЎИИ билан касалланган 2450 нафар беморни текшириш натижаларининг эпидемиологик таҳлили; РВД ва бактериал ЎДлар (сальмонеллез, бактериал дизентерия, эшерихиоз мисолида) клиник-лаборатор кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили. Олинган натижаларни бутун республика миқёсида солиштириш мақсадида пилот вилоятларни танлаш Ўзбекистан Республикаси ҳудуди ҳақидаги максимал репрезентатив тасаввурга асосланди.

Проспектив изланиш: ҳозирги даврда РВИ учрашининг таҳлили (Тошкент шаҳридаги беморлардан 6120 намуна ва Бухоро шаҳридан 9862 намунада); Тошкент ва Бухоро шаҳарларида 101 нафар бемордан ажратиб олинган ротавирусларнинг генотипик таҳлили; Тошкент шаҳридан 40 нафар ва 16 нафар Бухоро шаҳридан ажратиб олинган ротавируслар ПЗР маҳсулотининг филогенетик (сиквенс) таҳлили, ротавируслар генотипига боғлиқ ҳолда 101 нафар беморда РВИнинг клиник кечиш характери таҳлили.

РВИ мавжудлигига текшириш, ЎД билан касалланган беморлар фекалияларини ротавируслар антигенига текшириш йўли билан ўтказилди. Фекалиялар намуналари стерил идишларга йиғилди, музлатилиб Тошкент шаҳрига (ЭМЮКИТИ, вирусология ИТИ) юборилди. Нажас намуналарини текшириш IDEIA™, Dako Cytomation, UK тест системаларини қўллаб ротавируслар антигенларини аниқлаган ҳолда серологик ИФТ усулида ўтказилди. Текшириш намуналари музлатилган ҳолда етказиб берилди. Музлатилган намуналарнинг сақланиш муддати сақлаш муддати бузилмаса 6 ойгача белгиланган.

Ротавирусларни молекуляр-генетик текшириш.

РНКни ажратиш. Намуналар 0,25-0,50 мл ҳажмда йиғилди ва бемор ҳақида маълумот, намуна йиғилган сана ва вақти кўрсатилди.

Олинган РНК қайталама транскрипция билан ўтказиладиган полимераз занжир реакцияси учун қўлланилди (Gentsch JR, et al. 1992; Boom R et al. 1990).

Ажратиб олинган РНК намуналари ҚТ-ПЗРда VP4 ва VP7 генлар генотипини аниқлаш учун ўтказилди.

Ротавирусларни VP4 ва VP7ни кодловчи генлари бўйича типлаш 101 нафар беморда мультиплекс ҚТ-ПЗР усулида ЎзР ССВ Вирусология ИТИ Референс лабораториясида ўтказилди (Gentsch J.R. et al., 1992; Gouvea V. et al., 1989).

ПЗР маҳсулоти (РВИ гени)ни сиквенс қилиш Beckman Coulter Seq 8000 секвенаторда асбобларни қўлланилиши бўйича ва сиквенс қилиш тўпламлари учун кўрсатмаларга асосан ўтказилди. ПЗРда олинган маҳсулот нуклеотидларнинг кетма-кетлиги «Nucleotide-nucleotide BLAST (blastn)» баённомасига асосан NCBI BLAST (<http://www.ncbi.nlm.nih.gov/blast/>) маълумотлар базасига сўров орқали генотипни тасдиқлаш учун қўлланилди. Генетик масофани ҳисоблаш дендрограмма тузиш учун 5-версияли MEGA дастури қўлланилди.

ЎДларнинг бактерия кўзғатувчиларини бактериологик текшириш усулида аниқлаш културал хусусиятларини ўрганиш қабул қилинган умумий микробиологик усулларни қўллаган ҳолда зич электив ва селектив озик муҳитлари (Плоскирев, Эндо, висмут-сульфит агар муҳитлари) ҳамда суюқ озик муҳитлари (озика бульони)да амалга оширилди

РВИда иқтисодий зарарни баҳолаш бир неча кўрсаткичлардан таркиб топган: РВДдан ўлиш, йўқотилган потенциал ҳаёт йиллари (ЙПХЙ), давлат учун иқтисодий зарар ва бемор оиласи учун сарфланадиган ҳаражатлар.

Статистик ишлов маҳсус R (The R Foundation for Statistical Computing) 2.13.2 версиядаги дастурий таъминот асосида ўтказилди (Glantz SA., 1999).

Диссертациянинг **«Ўзбекистонда ротавирусли диареяларнинг эпидемиологик тавсифи»** деб номланган учинчи бобида куйидагилар ёритилган: Текширишнинг биринчи босқичи 1993-2009 йилларда Ўзбекистон Республикасида умуман ОИИ билан касалланиш бўйича статистика маълумотларининг таҳлили бўлди. Таҳлил натижалари Ўзбекистонда ОИИнинг кескин камайиб боришига қарамадан, кўп учрашини кўрсатади.

Маълум бўлдики, ЎИИ бўйича аниқланган ва аниқланмаган этиологияли касалликларда асосий хавфли гуруҳни 2 ёшгача бўлган болалар ташкил қилиб, уларда бугунги кунда бактериал дизентерия кам, вирусли диареялар эса кўп қайд қилинмоқда.

ЎИИ билан касалланиш таҳлили шуни кўрсатадики, таҳлил қилинган даврда касалланиш мавсуми баҳорнинг охиридан бошланиб кузнинг ўрталаригача давом этади. Бу қонуният камроқ фарқлар билан ҳанузгача сақланиб қолмоқда (Гуйчиев Л.Н., 2011; Худайбердыев Я.К ва муал., 2011).

Адабиёт маълумотларига кўра, ЎИИ билан касалланишнинг ортишини ёз-куз фаслларида асосан бактериал инфекциялар, куз-қиш фаслларида эса вирусли диареялар кўтарилиши кузатилади (Рафиев Х.К., 1999).

Биз ЎИИ билан касалланишнинг мавсумийлигини 2010 йилда пилот вилоятларда қиёсий жиҳатдан таҳлил қилдик ва шу аниқландики барча

изланиш ўтказилган ҳудудларда ЎИИ шунга монанд касалланиш даражасининг ўсиши баҳор ва куз фаслларининг ўрталарига тўғри келади.

Шу билан бирга биз Ўзбекистонда ротавирус инфекциясининг эпидемиологик жиҳатларини таҳлил қилдик. Ўзбекистонда РВИнинг эпидемиологик хусусиятларини аниқлаш мақсадида ўткир диареяли беморлар нажасида ротавирус антигенларини аниқлаш учун ИФТ ўтказилди (1 жадвал). Текширув жараёнида текширилган 5996 нафар шахслардан 2032 (33,9%) нафарининг нажасида РВИнинг диагностик титри аниқланди. Бунда текширилган ҳудудларда ротавирус инфекциясининг аниқланиши 28% дан 45% гача бўлган ҳолатда аниқланди.

Текширишнинг кейинги босқичи болаларнинг ёши, мавсумийлик, эпидемиологик анамнез, шаҳар ҳамда қишлоқ аҳолисининг зарарланиш характери ва бошқаларни инобатга олган ҳолда инфекциянинг юқиш даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилишдан иборат бўлди.

Биз Тошкент шаҳри мисолида ЎИИ билан умумий касалланиш (аниқланган ва аниқланмаган этиологияли) кўрсаткичини 2004-2006 йилларда очик сув ҳавзаларидаги сувнинг бактериал ифлосланиши билан солиштирдик. ЎД билан касалланиш кўпинча очик сув манбаларининг мавсумий бактериал зарарланишига боғлиқлиги аниқланди: сувнинг бактериал зарарланиши ЎИИнинг ошишига мос келади, ифлосланишнинг камайиши эса ЎИИ билан касалланиш даражасининг камайишига мос келишини кўрсатди.

1 жадвал

Пилот ҳудудларда текширилган беморлардан ажратиб олинган ЎД кўзгатувчилари (2004-2006 йиллар бўйича ретроспектив таҳлил)

Ажрати олинган кўзгатувчилар	Текшириш ўтказилган ҳудудлар ва текширилган беморлар сони (n=5996)						Жами абс.(%)
	P10	P20	P18	P19	P22	P23	
	абс. (%)	абс. (%)	абс. (%)	абс. (%)	абс. (%)	абс. (%)	
Ротавируслар	910 (32,6)	342 (28,1)	287 (43,1)	101 (44,7)	178 (33,7)	214 (37,9)	2032 (33,9)
Бактериялар	978 (35,0)	414 (34,0)	210 (31,6)	77 (34,1)	248 (47,0)	199 (35,2)	2126 (35,4)
Кандида туридаги бактериялар	472 (16,9)	234 (19,2)	113 (17,0)	48 (21,2)	94 (17,8)	86 (15,2)	1047 (17,5)
Кўзгатувчи аниқланмади	827 (29,6)	456 (37,5)	189 (28,4)	61 (27,0)	145 (27,5)	202 (35,7)	1880 (31,3)
Жами намуналар	2795	1217	665	226	528	565	5996

Изоҳ: P10 – Тошкент ш., P20 – Бухоро, P18 - Қашқадарё, P19 - Сурхондарё, P22 - Хоразм, P23 - Қорақалпоғистон Республикаси.

Айниқса бу боғлиқлик баҳор-ёз фаслларида кўпроқ кузатилди, куз-қиш фаслларида эса ҳар доим ҳам аниқланмади.

Бироқ, айрим ҳолатларда сувнинг бактериал ифлосланиши ЎИИ билан касалланиш даражасига боғлиқ эмаслиги аниқланди. Шу сабабли биз очик сув манбаларининг ротавирус инфекцияси билан зарарланишини ўргандик, бу текшириш ЎИИ касаллиги кўрсаткичларининг ортишида ротавирус инфекциясининг сув орқали юқиш йўли мавжудлигини кўрсатади.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, биз сув манбаларидан олинган 1246 та сув намунасида серологик (ИФТ) текширув ўтказдик. Шундан 816 та намуна очик сув манбаидан, 430 та намуна эса турғун сувдан олинди (2 жадвал).

2 жадвал

2005-2006 йилларда Тошкент шаҳридаги сув манбаларидан олинган намуналарни РВИ мавжудлигига текшириш натижалари

Синама олинган объектларнинг номи	Текширилган синамалар сони	РВИ ижобий синамалар	
		Абс.	% (M ± m)
Очик сув ҳавзалари	816	13	1,5±0,05
Турғун сувлар	430	13	3,2±0,9
Жами	1246	26	2,1±0,02

Вирусологик текширувлар кўрсатдики, ротавируслар очик сув ҳавзалари (13 та) ва турғун сув манбаларидан (13 та) олинган намуналар таҳлилида ҳам аниқланди. Умуман олганда, текширилган сув манбаларининг ифлосланиш даражаси сезиларли бўлмади, аммо кўп синамалар баҳор-ёз ойларида йиғилди. Бу вақтда тик қуёш нури ва ультрабинафша нурлар таъсири кузатилади ва сувнинг зарарсизланишига олиб келади. Барча РВИга олинган 26 ижобий синамадан 22 таси (84,6%) кеч кузда олинган. Бу РВИ билан касалланиш даражасининг куз-қиш фаслида ошиши ифлосланган сув ҳисобига ва сув орқали юқиши боис эканлигини исботлайди.

Биз 157 ичимлик суви синамасида РВИ мавжудлигини таҳлил қилдик. Сувнинг 1 (0,6%) синамасида ротавирус аниқланди. Жуда кам синамада ротавирус аниқланган бўлсада, шунга қарамасдан бу ҳолат инфекцион жараён ривожланишида ҳал қилувчи омил бўлиши мумкин.

Олинган маълумотлар ташқи муҳит объектлари, айнан ЎИИ, жумладан РВИда асосий омиллар ва юқиш йўлларида бири бўлган сув манбалари ротавируслар билан етарлича зарарланганлигидан далолат беради.

Бу текширишнинг кейинги босқичи – Ўзбекистонда РВИ бўлган беморларда касалликнинг мавсумий динамикасини таҳлил қилишга замин яратди.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, РВИ учрашининг 70% куз-қиш фаслларида тўғри келиши инфекциянинг йилнинг айнан совуқ даврида учрайди деган стандарт концепцияга мос келмади. Шу туфайли биз РВИнинг куз-қиш даврларида учрашини (1085 нафар бемор – 53,4%) ва баҳор-ёз даврларида учраши (947 нафар бемор – 46,6%) билан таққосладик. Шу нарса

аниқландики, куз-қиш фаслларида йилнинг иссиқ даврларига нисбатан ротавирусли диареялар нисбатан кўп ($P>0,05$) учрайди. Айрим олимларнинг фикрича ривожланаётган мамлакатларда куз-қиш мавсумийлиги аниқ намоён бўлмайди (Nishio O. et al., 2000; Bahl R. et al., 2005; D'Souza R. M. et al., 2008).

Биз олинган натижаларни таққослаганда кам сонли РВИ асосан – катта ёшдаги беморлар – 5,4% ва 5-14 ёшдаги болалар ташкил қилди – 7,7% ($P<0,05$). РВИ асосан 6-11 ойлик ва 12-23 ойлик болалар гуруҳида учради ($P<0,05$). Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра РВИ кўпинча икки ёшгача бўлган болаларда учрашини инобатга олган ҳолда биз учта ёшдаги гуруҳлар (0-5 ой, 6-11ой, 12-23 ой)да ўтказилган текшириш натижаларини бирлаштирдик ва аниқландики 2 ёшгача бўлган болаларда РВИнинг учраши 3849 нафар ўткир диарея билан оғриган болалардан 1439 (37,4%) нафарни ташкил қилди.

Шундай қилиб, ротавирус инфекцияси болаларда мазкур инфекция аниқланган 2032 ҳолатдан 1923 тасини ташкил қилди (94,6%). Катталарда РВИ болаларга нисбатан камроқ учрайди, бу адабиётлардаги маълумотларга мос келади. Турли ёшдаги гуруҳларда РВИ учрашининг текширилган ҳудудларни инобатга олган ҳолда таҳлили маъмурий ҳудудларга боғлиқ бўлган фарқ етарли даражада эмаслигини кўрсатди.

РВИ бўлган беморлар орасида РВИ учраши бўйича гендер фарқи 5 ёшгача бўлган болалар гуруҳида аниқланди, уларда ўғил болаларда қиз болаларга нисбатан кўп учраши кузатилди ($P<0,05$), ваҳоланки 5-14 ёшдаги болалар ва катталар гуруҳида бундай фарқ аниқланмади ($P>0,05$).

Болалардан фарқли ўлароқ катталарда шифокорларга мурожаат этиш аҳволининг оғирлиги унинг ҳаёти учун хавф туғдиргандагина кузатилган. Катталар одатда амбулатория шароитида даволанмайдилар, ўзини-ўзи даволаш билан шуғулланади.

Кейинги босқичда РВИ билан оғриган беморлар гуруҳларида беморларнинг жинси бўйича фарқ аниқланмади (3-жадвал).

3-жадвал

Текширилган РВИси бўлган беморларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимланиши (n=2032).

РВИ бўлган беморларнинг ёши бўйича гуруҳлари (n = абс./ %)	Ротавирус инфекцияси				P (қиз-ўғил)
	Қизлар Абс. (%)		Ўғил болалар Абс. (%)		
0-5 ой (n=253/12,4%)	112	44,3	141	55,7	>0,05
6-11 ой (n=526/25,9%)	211	40,1	315	59,9	<0,05
12-23 ой (n=660/32,5%)	277	42,0	383	58,0	<0,05
24-59 ой (n=328/16,1%)	129	39,3	199	60,7	<0,05
5-14 ой (n=156/7,7%)	79	50,6	77	49,4	>0,05
Катталар (n=109/5,4%)	59	54,1	50	45,9	>0,05
жами (n=2032/100%)	867	42,7	1165	57,3	<0,05

Юқоридан келиб чиққан ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, РВИ асосан 2 ёшгача бўлган болаларда кўпроқ учрайди деган постулат, стационар статистикага асосланган ва аҳволининг оғирлиги бўйича стационарга эрта ёшдаги болалар ётқизилади, чунки уларда одатда касаллик оғир кечади ва шифохонага ётқизилиши талаб қилинади. Каттароқ ёшдаги болаларда касаллик нисбатан енгил кечади, бу ўз навбатида амбулатор шароитида самарали даволаш ўтказишни таъминлайди ва беморлар ДСЭНМда қайд қилинмаслиги мумкин, яъни махсус статистикада рўйхатга олинмайди.

Ротавирус моно-инфекцияси энг кўп тарқалган бўлиб, 43%ни ташкил қилди, микст инфекциялардан ротавирус ва бактериал инфекциялар комбинацияси кўпроқ учради. Номалум этиологияли диареялар ҳам юқори кўрсаткичларни ташкил қилади (40 % дан-70% гача)

Текширув жараёнида РВИ стационарда эшерихиоз билан ётган беморларда 49 ҳолатда (8,4%), амбулатор беморларда эса – 26 ҳолатда (6,5%), сальмонеллез билан - 54 (9,3%) ва 5 (1,3%) ҳолатда, шигеллез билан – 27 (4,7%) ва 3 (0,7%) ҳолатда биргаликда учраши аниқланди.

Диссертациянинг «**Ротавирусли инфекцияларнинг молекуляр-генетик тавсифи**» деб номланган тўртинчи бобда Ўзбекистон Республикасида учрайдиган ротавирусга қарши қўлланиладиган вакцинанинг типини аниқлашга йўналтирилган молекуляр-генетик таҳлил натижалари келтирилган. Ротавирус билан оғриган 101 нафар беморлардан ҚТ-ПЗР мультимплекс усулида VP4 ва VP7ларни кодловчи генлар бўйича типларга ажратиш ўтказилди.

Текширувлар шуни кўрсатдики, Ўзбекистон Республикасида ротавирусларнинг G- ва P-генотиплари ҳамда уларнинг бирга учраши кузатилади.

Жадвал 4.

Ўзбекистон Республикасида Тошкент шаҳри мисолида ротавирус инфекцияси серотипларини ажратиш олиш вариантлари (n=101).

P GENE	G GENE							
	1	2	3	4	9	12	NT	Mixed G1/2
8	45 (44.6%)	5 (5%)	2 (2%)	2 (2%)	0	0	2 (2%)	8 (7.9%)
4	0	16 (15.8%)	0	0	0	0	0	1 (0.9%)
6	1 (0.9%)	2 (2%)	0	0	0	2 (2%)	0	1 (0.9%)
NT	7 (6.9%)	5 (5%)	1 (0.9%)	1 (0.9%)	0	0	0	0
Mixed	0	0	0	0	0	0	0	0

P-генотип таркибига кирадиган P-серотиплардан P1 – серотип кўп учрайди 64 (63,4%) ҳолатда, P4 серотип 17 (16,8%) ҳолатда аниқланди, P6

серотип 6 (5,9%) ҳолатда аниқланди. 14 (13,9%) ҳолатда Р-серотиплар аниқланмади. Гастроэнтеритлар билан оғриган болаларда G-генотип таркибида G1 серотип кўп учради - 53 (52,5%) ҳолатда, G2 серотип 27 (26,7%) ҳолатда аниқланди. Кам ҳолларда G3 ва G4 серотиплар аниқланди - 3 (2,97%) ҳолатдан ҳамда G12 серотип ҳам кам аниқланди, у фақат 2 (1,98%) ҳолатда аниқланди (4-жадвал).


Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида ротавирус этиологияли гастроэнтерит билан оғриган болаларда ротавирусларнинг Р-генотиплари орасида P1 (63,4%) серотипи кўп аниқланди, G-генотипи орасида эса G1 (52,5%) ва G2 (26,7%) серотиплари аниқланди, бу ротавируслар генотипларининг кўп учрайдиган турлари сифатида адабиётлардаги маълумотларга мос келади.

Сиквенс таҳлил қилиш учун ўзида G1, G2, G3, P[4], P[8] генотипларни сақловчи 21 намуна ажратиб олинди. VP4 P[4] генотипининг нуклеотидлар кетма-кетлигини аниқлаш учун 5 та, P[8] генотипи учун 11 та намуна текширилди. VP7 генотипининг нуклеотидлар кетма-кетлигини аниқлаш учун 5 та, шундан G1 генотип 1 та, G2 генотип 1 та, G3 генотип 3 та намуна текширилди. Таҳлил натижалари бўйича олинган генотип нуклеотидлар кетма-кетлиги GenBank маълумотлар базасини ўзига олган BLAST инфор­мацион биотехнологиялар Миллий марказида сақланаётган ротавируслар генотиплари нуклеотидлар кетма-кетлиги билан қиёсий солиштирилди.

VP4 генининг нуклеотидлар кетма-кетлигини филогенетик таҳлил қилишда 31,3 % ҳолатда P[4]-генотип, 68,7% ҳолатда P[8]-генотип аниқланди. Тадқиқотлар вақтида ротавирусларнинг кенг тарқалган P[4] ва P[8] генотиплари циркуляция қилган. VP7 гени кетма-кетлигининг таҳли­ли G1-генотипи 20%, G2-генотипи 20% ва G3-генотипи 60 % ҳолатда учра­шини кўрсатди. 2004-2005 йилларда циркуляция қилган ротавирус штамларининг популяцияси турлича бўлган. VP4 P[4]-генотипи нуклеотидлар кетма-кетлигининг филогенетик таҳли­ли UZB/2005751253/2005, UZB/2005751273/2005, UZB/2005751318/2005, UZB/2005751275/2005, UZB/2005751316/2005 изолятлари битта гуруҳни ташкил қилишини кўрсатди ва “ММС6” и “ММС88” (Бангладеш) штамларига ўхшаш ҳисобланади (1-расм).

VP4 гени нуклеотидлар кетма-кетлигининг филогенетик таҳли­ли кўрсатадики, бизнинг тадқиқотда ажратиб олинган P[8] генотипининг 11 та изоляти 4 та алоҳида гуруҳни ташкил қилди. Иккита изолят UZB/2005751252/2005, UZB/2005751326/2005 филогенетик жиҳатдан RUS-Nov-04-H508 (Новосибирск) изолятига кўпроқ яқинроқдир. UZB/2005751291/2005 изоляти циркуляция қилаётган Малави штаммига кластерланади. Учта UZB/2005751321/2005 UZB/2005751230/2005, UZB/2005751259/2005 изолятлари “KMR012” штамлари билан гуруҳланади (Жанубий Корея). Бешта изолят UZB/2005751244/2005, UZB/2005751297/2005, UZB/2005751223/2005, UZB/2005751250/2005 ва

UZB/2005751325/2005 Малавида циркуляция қилган штаммлар билан генетик ўхшашдир.



Расм 1. А гуруҳидаги P[4]-генотипли ротавирусларнинг VP4 гени бўйича филогенетик дарахти.

● белгиси остида Ўзбекистонда ажратиб олинган изолятлар келтирилган.

Шундай қилиб, филогенетик таҳлил маълумотлари бўйича 2004-2005 йилларда Ўзбекистонда ротавирусларнинг кенг тарқалган G1, G2, G3, P[4], P[8] генотиплари циркуляция қилган. Циркуляция қилаётган ротавируслар

филогенетик таҳлилини ўрганиш янги реассортантларни аниқлашда ва ротавирусларнинг махсус вакцинасини танлашда муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг «**Ротавирусли диареяларнинг клиник кечиши**» деб номланган бешинчи бобда Ўзбекистонда РВИнинг хусусиятларини аниқлаш учун ротавирусли ва бактериал диареялар клиник кечишининг қиёсий таҳлили келтирилган.

Шу сабабли, РВД кўп ҳолларда эрта ёшдаги болаларда ривожланишини эътиборга олиб, биз фақат 3 ёшгача (0-36 ой) бўлган болаларни текширув гуруҳларига киритдик. Шу ёшдаги болаларда РВДнинг клиник кечиш характерини сальмонеллез, дизентерия ва эшерихиоз каби бактериал диареялар билан таққосладик.

Кўйилган вазифани ечимини топиш учун 435 бемор текширувга жалб этилди, уларда диарея сабаблари текширув жараёнида ўрганилди. Шулардан 122 (28,0%) ҳолатда - моно РВИ, 118 болада (27,1%) – сальмонеллез билан, 76 болада (17,5%) – шигеллез билан, 119 беморда (27,3%) – эшерихиоз билан ўрганилди. Барча беморлар 2004-2006 йилларда Тошкент шаҳридаги юқумли касалликлар клиникаларида стационар шароитида даволанишда бўлган.

Беморларнинг ёши бўйича таҳлил ўтказилди, текширувга фақат 3 ёшгача бўлган болалар киритилган бўлишига қарамай, мазкур ёшдаги болалар гуруҳи ичида беморлар қуйидагича тақсимланди: 0-5 ой – 61 бемор (14,0%), 6-11 ой – 113 бола (26,0%), 12-23 ой – 140 бола (32,2%), 24-36 ой – 121 бола (27,8%). Биз ушбу ёш гуруҳларида ЎИИ турли этиологияси билан кўпроқ зарарланган болалар ёшини таҳлил қилдик. Маълум бўлишича, РВИда 6 ойдан 23 ойгача бўлган болалар кўпроқ касалланади.

Беморларнинг жинси ва ЎИИ этиологияси бўйича таҳлил қилинганда унчалик катта фарқ аниқланмади. ЎД этиологияси турлича бўлишига қарамасдан қиз болалар ўғил болаларга нисбатан кам касалланади ($P>0,05$). Стационарга ётқизиладиган болаларнинг яшаш жойлари бўйича таҳлил олиб борилганда шаҳар аҳолиси қишлоқда яшовчилардан кўпроқ касалланиши аниқланди ($P<0,05$). Бу текшириш ўтказилган ҳудудларга боғлиқ бўлиши мумкин (Тошкент ва Бухоро шаҳридаги беморлар). Лекин, кўзгатувчининг тури бўйича шаҳар ва қишлоқда яшовчилар орасида фарқ аниқланмади.

Кейинчалик биз касалликнинг ривожланиш анамнезини таҳлил қилдик.

Аниқландики, беморларнинг шифохонага ётқизилиш муддатида ЎИИнинг этиологияси бўйича фарқ аниқланди. Касаллик ривожланишининг эрта босқичларида беморлар РВИ ва сальмонеллез билан стационарга ётқизилиши таҳлил қилинганда, РВИ билан болалар касалликнинг 1-2 кунлари сальмонеллезга нисбатан деярли 2 марта кўп ётқизилган ($P<0,05$) (мувофиқ равишда 66,4% ва 36,4%). Бу РВИнинг болаларда кучли дегидратация ҳолатлари ва тез ривожланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу ҳолат ушбу гуруҳ беморларда касалликнинг эрта даврларида аниқланди.

Сальмонеллез билан оғриган кўпгина болаларда касалликнинг 3-4 кунларида интоксикация аломатлари кучли ривожланганда (61,0%) шифохонага ётқизилган. Шигеллез ва эшерихиоз билан оғриган болаларда

шифохонага ётқизиш муддати асосан касалликнинг 3-5 кунига тўғри келди. Ҳатто стационарга кеч мурожаат қилинган ҳолатлари ҳам қайд этилган.

Касалликнинг айрим бошланғич белгилари ва шифохонага ётқизилганда беморларнинг шикоятлари бўйича ҳам таҳлил ўтказдик.

Моно-РВИ билан оғриган болалар учун тана ҳароратининг кўтарилиши 50,0% ҳолларда характерли белги бўлиб ҳисобланмаслиги аниқланди. РВИ бўлган беморларда тана ҳароратининг ошиши кузатилганда РВИ бўлган беморларда бу кўрсаткич субфебрил даражадан ошмади (43,4%). 6,6% ҳоллардагина қисқа муддатли фебрил ҳарорат аниқланди.

Шу билан бирга бактериал диарея билан оғриган беморларда касаллик кўпинча тана ҳароратининг кўтарилиши билан кечди. Сальмонеллез билан касалланган болаларда ҳарорат кўтарилиши фебрил ҳатто гектик даражада кузатилди ва узоқ вақт сақланиб турди.

Шигеллез ва эшерихиоз билан касалланган болаларда қусиш касалликнинг кўп учрайдиган белгиси бўлмади, РВИ ва сальмонеллез билан касалланган болаларда гастрит кўринишлари кўпроқ учради, бу эса беморларда кўп қусиш билан намоён бўлди. Шунини таъкидлаш зарурки, РВИ бўлган болаларда нафақат бир марта ёки қайта қусиш аниқланди, балки кўп марта қусиш кузатилди, бу ўз навбатида тез ва кучайиб борувчи дегидратация ривожланишига сабаб бўлди.

Дегидратация даражаси ЎД билан оғриган беморларда ич кетишлар сони ва нажас характери билан ҳам белгиланди. РВИ билан касалланган беморларда нажас сувсимон характерга эга бўлди ва кўп марта кузатилди, бу эса оғир (В) ва жуда оғир (С) дегидратацияга сабаб бўлди: мувофиқ равишда 40,2% ва 18,8% болаларда. Айрим ҳолларда РВИ бўлган болаларда касалликнинг бошланишида ич кетиши нажас шаклида бўлиб, кейинчалик сувсимон тус олди.

Сувсизланиш даражаси (В ва С даражаси) сальмонеллез билан касалланган болаларда аниқланди: 39,0% ҳолларда (мувофиқ равишда 27,1% ва 11,9%).

Шигеллез ва эшерихиоз билан касалланган болаларда дегидратация РВИ ва сальмонеллез билан касалланган беморларга нисбатан кам ривожланган ҳолда кузатилди. Шигеллез билан оғриган беморларда оғир даражадаги дегидратация битта ҳолатда ҳам аниқланмади, эшерихиоз билан оғриган беморларда сувсизланишнинг бундай кўриниши фақат 4,2% ҳоллардагина аниқланди. Бу гуруҳдаги беморлар учун сувсизланиш 3,0%гача бўлиши характерли бўлди, бу А даражадаги дегидратацияга мос келади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, РВДда касалликнинг тез ривожланиши, тез ва оғир даражада сувсизланиш асосий омиллардан бўлиб хизмат қилади, бу ўз навбатида тиббий ёрдам кўрсатилмаса ёки ноадекват ёрдам кўрсатилса беморларнинг ўлимига олиб келиши мумкин. Шунини ҳам эътиборга олиш зарурки, РВИ бўлган беморлар учун дегидратациянинг гипотоник типи (54,1%) характерлидир, бу мия ва ўпка тўқимаси шишининг тез ривожланиши, буйракда қон айланишининг

бузилиши ва бошқалар ҳаёт билан мос бўлмаган организмда қайтмас ўзгаришларга олиб келадиган гомеостаз бузилишининг оғир кўриниши каби асоратларга олиб келади.

ЎДнинг этиологик структурасида ротавируслар улушининг ортиб бориши туфайли ЎИИда асоратларнинг характерида РВИ зарарлашига хос бўлган ўзгаришлар гемолитик-уремик синдром, ЎБЕ ва бошқа асоратлар кузатилиш эҳтимоли мумкин. Шу сабабли амалиёт шифокорлари эрта ёшдаги болаларга РВИ ривожланиши мумкин бўлган ва РВИга хос бўлган асоратлар ривожланиши бўйича хавfli гуруҳ сифатида эътибор беришлари лозим. Беморларнинг анамнези ва касалликнинг клиник кўринишларидан келиб чиққан ҳолда биз РВИга хос бўлган қатор кўрсаткичларни ажратдик:

- Болаларнинг характерли ёши 6-24 ой.
- Касалликнинг бошланишида катарал кўринишлар
- Қайта ва кўп марта кузатиладиган қусиш
- Кўп (қунига 5 мартадан ортиқ) сувсимон ич кетиши
- Дегидратациянинг тез ривожланиши
- Нормал тана ҳарорати ёки субфебрилитет
- Териде пастоз белгилар билан кечадиган гипотоник дегидратация
- Гемолитик-уремик синдром

Текширишнинг кейинги босқичи болаларни ЎИИ билан стационарга ётқизилганида стандарт текшириш процедураси ҳисобланган қатор лаборатория кўрсаткичлари: гемограмма, копрограмма, қоннинг биокимёвий таҳлилини ўрганишдан иборат бўлди.

Гемограмма таҳлили шуни кўрсатдики, болаларда ЎИИнинг этиологиясига боғлиқ равишда гемограммада ўзгаришлар аниқланди. РВИ билан оғриган болаларда бактериал диареялар билан касалланган болалардаги фаол яллиғланиш белгилари: лейкоцитоз, нейтрофиллез, таёқчасимон бурилиш, ЭЧТнинг ошишидан фарқли ўлароқ лейкопения, нисбий лимфоцитоз, меъерий ёки ЭЧТнинг меъерда бўлиши ёки пасайиши аниқланди. Шуни таъкидлаш зарурки, кўпчилик болаларда у ёки бу даражада камқонлик аниқланди, бу айниқса шигеллез билан оғриган болаларда кўпроқ кузатилди ($P < 0,05$). Бу болаларда йўғон ичакнинг яллиғланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин ва у 25,0% ҳолларда гемоколит билан намоён бўлди.

